2013 йил 10 январь, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 7-8 (12.318-12.319)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ




Ёлқин Шамсиддинов (ЎзА) олган суратлар

## ҚУЛАЙ ВА ЗАМОНАВИЙ

***Юқори технологиялар асрида ҳар биримиз ҳаётимизда янада кўпроқ қулайлик яратишга ҳаракат қиламиз. Бу, айниқса, турмушимизни яхшилаш, хонадонимизда барқарор муҳитни сақлашга хизмат қиладиган уй-рўзғор буюмларига тааллуқлидир.***

Замонавий маиший техникалар ҳаётимизни сезиларли даражада енгиллаштириш ҳамда тўлақонли дам олишимиз учун вақтимизни тежаш имконини оширади. Бугунги кунда мамлакатимизда бундай техникаларнинг кўплаб турлари мавжуд ва уларни харид қилиш катта муаммо эмас. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган юқори сифатли маиший техникаларнинг ички бозорда пайдо бўлгани ва уларни харид қилиш учун кредит ажратила бошлаганидан буён «уйимиздаги дастёрлар» дабдаба белгиси эмас, балки ҳар бир оилада фойдаланиш мумкин бўлган оддий буюмга айланиб қолди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан тасдиқланаётган йиллик инвестиция лойиҳалари ҳамда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури мамлакатимизда маиший техника ишлаб чиқариш суръатларини оширишга хизмат қилмоқда, дейди «Ўзэлтехсаноат» Ўзбекистон радиоэлектроника, электротехника ва асбобсозлик саноати корхоналари уюшмасининг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва халқаро муносабатлар бошқармаси бошлиғи Мансур Ҳошимов.

Ўтган йили «Artel» бренди остида ишлаб чиқарилаётган маиший техника воситалари мамлакатимиз электротехника бозорида мустаҳкам ўрин эгаллади. Мазкур савдо белгиси остида маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхонада қулайлик, замонавийлик ва оддийлик юқори баҳоланадиган хонадонларимиз учун сифатли маҳсулотлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Доимий равишда янги ғоялар ва ечимларни излаш маҳсулот турларини кенгайтириш ва ички бозорни сифатли товарлар билан тўлдириш имконини бермоқда.

«Artel» савдо белгиси мамлакатимиз бозорида 2011 йилда пайдо бўлди. Бунда мамлакатимиз савдо белгиси остида маиший техника воситалари туркумини ишлаб чиқариш бўйича саноат секторлари фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисида қарор қабул қилингани муҳим омил бўлди. Жанубий Кореянинг «Samsung» брендлари, Хитойнинг машҳур «Midea» компанияси ҳамда Италиянинг энг яхши компанияларидан бири бўлган «Gloria» билан стратегик шериклик тўғрисида шартномалар тузилди. Бир йил ичида замонавий талаблар ва халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган рақобатбардош маиший техника, жумладан, кондиционерлар, чангютгичлар, газ плиталари, қурилма техникалари, микротўлқинли печлар ва электр минипечларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

*(Давоми 2-бетда)*

***Тошкент ҳарбий-телекоммуникация академик лицейида Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг 21 йиллиги муносабати билан бир қатор тадбирлар ўтказилди. Лицейда бир ой давомида кўплаб танлов ва ҳарбий-спорт мусобақалари ташкил этилди. Уларнинг ғолиблари байрам тадбирида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ва Миробод туман ҳокимлиги вакиллари иштирокида муносиб тақдирланади.***

**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни**

## ЭЛ-ЮРТ ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ташкил этилиши давлатимиз тарихидаги муҳим воқеалардан бўлди. Ўз давлатининг формасини кийган ва ўз байроғи ранглари остида ҳаракат қиладиган армияга эга бўлиш ҳуқуқи мустақил мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Бундай армия ўз зиммасига юкланган бурч ва мажбуриятни теран англайдиган, халқининг тарихи ҳамда анъаналарини қадрлайдиган шахслардан таркиб топади. Шу мақсадда ҳарбий таълим ва бўлажак Ватан ҳимоячиларини тайёрлаш соҳасида чуқур ислоҳотлар амалга оширилди. Зеро, замонавий ўзбек аскари қиёфасида энг яхши инсоний фазилатлар ва жанговар қобилият акс этиши даркор.

Ўзининг ҳарбий қобилияти ва сафарбарлигини йилдан-йилга ошириб бораётган миллий армиямизга барча турдаги ҳарбий техника ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдалана оладиган, чуқур билимли, жисмонан бақувват ва маънавий баркамол кадрлар керак. Ҳарбий-академик лицейларда таълим жараёнининг самарадорлигини оширишга доир салмоқли ишлар бажарилди, ушбу таълим муассасаларини янада ривожлантиришга ёрдам берадиган мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 17 февралда қабул қилинган «Ҳарбий академик лицейлар фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида мамлакатимиздаги тўртта ҳарбий академик лицей ўз кўрсаткичларини яхшилашга эришди.

– 2012 йилда ўқувчиларимиз катта натижаларга эришди, – дейди Тошкент ҳарбий-телекоммуникация академик лицейи директори А.Назаров. – Улар турли спорт беллашувларида муваффақиятли иштирок этди, «Амир Темур авлодлари» ҳарбий-спорт мусобақаларида ғолиб чиқди, ўқишда катта ютуқларга эришди. 2012 йилда 59 нафар битирувчимиз мамлакатимиз олий ҳарбий ўқув юртларида таълим олишни давом эттирди. Бу кўрсаткич аввалги йиллардагидан икки баробар ортиқдир. Бундай юқори натижага касбга йўналтириш ишларининг самарали йўлга қўйилгани туфайли эришилди. Учинчи босқич ўқувчилари олий ҳарбий ўқув юртларига мунтазам қатнамоқда, улар орасидан бирини танлаб, ўқишга кириш учун тайёрланади. Шу билан бирга, ҳарбий қисмларга экскурсиялар уюштирилмоқда.

2012 йилда Тошкент ҳарбий-телекоммуникация академик лицейи мамлакатимиз ҳарбий академик лицейлари ўртасида ўтказиб келинаётган «Амир Темур авлодлари» ҳарбий-спорт мусобақасида 100 метр ва 3 километрга югуриш, ҳарбийлашган эстафета, гранат улоқтириш, арқон тортишда биринчи ўринни қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида ғолиб бўлди. Болалар ғалаба қозониш учун 3 йил давомида ҳар куни дарсдан сўнг «Амир Темур авлодлари» тўгарагида шуғулланиб, барча зарур нормативларни бажарди, ўз натижаларини яхшилаб борди.

Жамоа олдига қўйилган асосий вазифа – ўқувчиларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларга танлаган ихтисоси бўйича чуқур билим беришдир.

Лицейда ўқув-тарбия ишлари илғор педагогика ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, ҳарбий касбга йўналтирилган, ўқишни олий ҳарбий таълим муассасалари ҳамда олий ўқув юртларида давом эттиришга қаратилган ўқув режалари ва дастурлари асосида ташкил этилган.

Лицейда кун тартиби турли курслар учун алоҳида тузилган бўлиб, ҳарбий тартибга яқинлаштирилган. Бу ёшларда касбий кўникмаларни шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Ўттиз нафардан зиёд тажрибали педагог, йигирма нафарга яқин офицер ва сержант ўқув-тарбия ишлари билан шуғулланмоқда. Улар ёшларга юксак фуқаролик фазилатлари, истиқлол, демократия ғоялари, халқимизнинг маънавий ва тарихий қадриятларига содиқлик руҳида билим ва тарбия бермоқда.

Бу ерда ўқувчилар учун 20 тўгарак ташкил этилган. Уларнинг ўн тўрттаси ўрганилаётган фанларни тўлдиришга хизмат қилса, олтитаси спорт секцияларидир. Ўқувчилар кўпроқ «Ахборот олами», «Ёш физик», «Ёш адабиётчи», математика ва тарих тўгараклари, енгил атлетика, қўл жанги, волейбол, футбол, баскетбол секцияларида шуғулланади.

Лицейда 14000 номдаги адабиётни ўз ичига олган ва компьютер хонасига эга ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг барчаси ёшларнинг маънавий оламини бойитиш, уларни янги ахборот технологиялари билан таништиришга хизмат қилмоқда.

Ўқувчилар Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 21 йиллиги байрамига пухта ҳозирлик кўрмоқда, танловларда қатнашмоқда, маданий дастур тайёрламоқда, ижодий фаоллигини намойиш этмоқда.

**Роман БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Уйчи туманининг Тепасарой қишлоғи аҳолиси учун Обод турмуш йили қувончли воқеа билан бошланди. Гап шундаки, 15 та оила айёмни ҳудудда намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган замонавий тураржойларда кутиб олди. Миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари асосида барпо этилган мазкур иморатлар зарур муҳандислик-коммуникация тармоғига уланган. Туманда яқин кунлар ичида яна 28 та шундай ҳовли ўз эгаларига топширилади. Таъкидлаш лозимки, кейинги уч йил давомида Уйчи тумани қишлоқларида намунавий лойиҳалар асосида 80 та уй-жой қурилди. Жорий йилда улар сони яна 53 тага кўпайиши режалаштирилган.**

● **Ўтган йиллар мобайнида Марғилон шаҳридаги «Полиграф Пресс» масъулияти чекланган жамиятига ўрнатилган технологик жиҳозлар эскириб, тайёрланаётган матбаа маҳсулотлари сифати бугунги кун талабларига мутлақо жавоб бермай қолганди. Шуни ҳисобга олган корхона жамоаси банкнинг 300 минг АҚШ долларилик кредити эвазига ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ модернизация қилди. Натижада бу ерга хорижнинг энг илғор дастгоҳ ва ускуналари келтириб ўрнатилди. Пировардида «Полиграф Пресс»да чоп этилаётган газета ва журналлар сифати тубдан яхшиланди.**

● **Зомин педагогика коллежида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз Қуролли Кучларининг ташкил этилиши ва бугунги кунда юртимизда тинчликни сақлашдаги ўрни ҳақида тўхталиб ўтилди. Коллеж ўқувчилари «Биз чақирувга тайёрмиз» шиори асосида кўргазмали чиқиш намойиш этишди. «Балли, йигитлар» кўрик-танлови эса бўлажак аскарларнинг жисмоний чиниқиши ва ҳуқуқий билимини оширишда ўзига хос мактаб вазифасини ўтади. Ғолибларга таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгашининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари тақдим этилди. Байрам муносабати билан бу каби тадбирлар Зомин информатика ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ҳамда 15-умумтаълим мактабида ҳам ташкил этилди.**

### ЖАҲОНДА

● **Хитойнинг Шанхай шаҳрида ўттиз уч тонналик улкан аквариум ёрилиб кетди. Аквариум жойлашган савдо маркази шаҳарнинг асосий кўзга кўринган жойларидан бирида эди. Лекин кутилмаганда аквариум куннинг ўртасида, савдо айни авжида бўлган пайтда ёрилиб кетган. Аквариумда турли денгиз жониворлари, шу жумладан, наҳанглар ҳам бор эди. Воқеа натижасида ўн беш киши турли даражада тан жароҳати олган. Савдо маркази раҳбарияти аквариумни қайта тиклашдан бош тортмоқда. Аммо савдо маркази эртаси куниёқ ўз ишини қайта давом эттиришни бошлади. Мутахассислар аквариумнинг ёрилишига ҳаво ҳароратининг тез-тез ўзгариб туриши сабаб бўлганини маълум қилганлар.**

● **«Google» интернет сайти шу кунларда янги дастурини сотувга чиқарди. Дастур офис ишлари учун мўлжалланган бўлиб, компания вакилларининг сўзларига қараганда, улар яратган янги дастур «Microsoft Office» дастуридан ҳам яхшироқ. Ҳозирда «Google» компанияси дастурнинг сотув ишлари билан банд. Улар янги лойиҳа «Microsoft Office»дан ўзиб кетишига умид қилишмоқда.**

● **АҚШнинг Массачусет штати раҳбарлари янги йилдан бошлаб пластик идишларда сув сотишни тақиқлашди. Штат раҳбарияти бу ҳақда расман қарор қабул қилган. Агар дўконларда ушбу тақиқловга амал қилинмаса, биринчи марта огоҳлантирилади. Иккинчи марта эса 25 доллар миқдоридаги жаримага тортилади. Ҳар бир текширувнинг жарималар миқдорининг ортишига сабаб бўлиши алоҳида таъкидлаб ўтилган. Манбада қайд этилишича, бу тақиқловдан кейин штатда ахлат миқдорини сезиларли равишда камайишига умид қилинмоқда.**

***Ички ишлар вазирлиги академиясида Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуни – инсон ҳуқуқ ва эркинликлари гаровидир» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.***

## ҚОНУН МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий ҳарбий божхона институти ва академия профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари ва тингловчилари иштирок этди.

Тадбирда «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунининг объектив зарурияти ва ижтимоий аҳамияти, тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилинишининг қонуний асослари, кафолатлаш чоралари атрофлича муҳокама қилинди.

Сўзга чиққанлар ушбу қонун тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш тамойиллари, асослари, шакл ва услублари, тезкор-қидирув хусусиятидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини оширишга хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Тадбир якунида муҳокама қилинган масалалар юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Алиёр ОРИПОВ,**
**«Туркистон-пресс»**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

● **БУГУН** Ўзбекистон тарихи Давлат музейида «Ватанни севиш, асраш – муқаддас бурч!» шиори остида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Ўзбекистон Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан Тошкент бирлашган техника мактаби негизида «Ватан ҳимоячилари куни» ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 21 йиллигига бағишланган тадбир ўтказилди.

● **БУГУН** Маънавият тарғибот маркази Яккасарой туман бўлими ташаббуси билан тумандаги «Ўрикзор» ва А. Авлоний маҳалла гузарларида Обод турмуш йили моҳиятини аҳолининг барча қатламлари орасида тарғиб этиш мақсадида «Ободлик кўнгилдан бошланади» мавзуида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

**_Сўнгги йилларда мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш йўналишида бир қатор самарали тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса инсонларни бевақт ҳалок бўлишдан асраш, автомобиль йўллари ва кўчаларда хавфсизликни таъминлаш ишларининг сифат жиҳатдан янги поғонага юксалишига замин яратмоқда._**

Долзарб мавзуда суҳбат

# ЯНГИ ҚОНУН ҲАРАКАТЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ



Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ва ҳукумати томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масалаларига, жумладан, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, давлат ташкилотлари, корхоналар, меҳнат жамоалари ҳайдовчилари, пиёдалар ва болалар ўртасида профилактик тадбирларни олиб бориш, транспорт воситаларининг техник ҳолатини, йўлларнинг аҳволини яхшилаш ҳамда «Йўл ҳаракати қоидалари» ва ҳаракатланиш хавфсизлиги талабларини кенг кўламда тарғиб қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда қонун ва қоидаларга кўплаб ўзгаришлар киритилмоқда. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди ҳамда 2013 йилнинг 4 январь кунидан расман кучга кирди. Хўш, мазкур Қонуннинг яратилиши ва унинг моҳияти нималардан иборат? Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қандай ўзгаришлар киритилди? **Шу ва мазкур мавзудаги бошқа саволларга жавоб олиш учун «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбири Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи, полковник Х.А.САЙДАЛИЕВ билан суҳбатлашди.**

— Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши ва халқимиз ҳаёти фаровонлигини янада яхшиланиши йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг самарадорлиги республикамиз автомобиль саноатини ривожланиши, транспорт воситаларини кескин кўпайиши билан чамбарчас боғлиқдир, — дейди Холматжон Аҳмедович. — Замонавий талаблар даражасидаги динамик ва тезлик хусусиятлари юқори бўлган транспорт воситаларининг сони ва йўлларда ҳаракат жадаллиги йил сайин ўсиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, фуқароларимизнинг ҳаёти ва соғлиғини, мол-мулкларини ҳимоя қилиш юзасидан самарали тадбирларни амалга ошириш, содир этилаётган ҳодисаларнинг оқибатларига уларни юзага келиши шарт-шароитларига эътиборни кучайтириш лозимлигини тақозо қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда мазкур Қонуннинг қабул қилиниши ҳозирги кун талаби, десам муболаға бўлмайди. Йўл ҳаракати иштирокчиларининг «Йўл ҳаракати қоидалари»га риоя этиши учун масъулиятини ошириш, қонунларга итоат ва ҳурмат ҳиссини юксалтириш асосий мақсад қилиб танланиб янги қонун лойиҳаси устида ишлар олиб борилди.

Ҳозирги кунда амалга оширилаётган ислоҳотлар талабларидан келиб чиққан ҳолда тизимни янада такомиллаштириш, соҳага оид қонунларни либераллаштириш, фуқароларга, айниқса, ҳаракат иштирокчиларига қулайликлар яратиш, уларда ҳаракатланиш маданиятини шакллантириш, ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш борасида ҳам изланишлар олиб борилялпти. Жумладан, йўл ҳаракати иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси»га 2006, 2007, 2008 ва 2011 йилларда киритилган бир қатор қўшимча ва ўзгаришлар ўзининг ижобий самарасини бериб, оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг камайишига ижобий таъсир кўрсатди. Қабул қилинган янги Қонун ҳам ана шу ишларимизнинг мантиқий давоми бўлди.

**— Маълумки, соҳани ислоҳ қилишга қаратилган тегишли қарорларда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ДЙҲХХ тизимида йўл ҳаракати қоидаларини бузилганлиги юзасидан жойида пул маблағларини қабул қилишга йўл қўймайдиган жарималар тўлаш тизимини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган. Бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 149-сонли «Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексига тўхташ ва тўхтаб туриш қоидалари бузилганлиги учун транспорт воситаларини ушлаш ва тўхташ жойига мажбурий олиб келишни назарда тутадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар бўйича таклифлар киритиш топширилган.

Юқорида баён қилинганларни ҳисобга олган ҳолда, Ички ишлар вазирлиги томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг янги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси бошқа идора ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган қонун лойиҳалари билан умумлаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди, Сенат томонидан маъқулланди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2012 йил 29 декабрь куни тасдиқланиб, 2013 йилнинг 4 январь куни расман эълон қилинди.

Унга кўра, «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексининг 283, 287, 291-моддаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

**Биринчидан,** 283-моддада йўл ҳаракати қоидалари бузилиши тўғрисидаги ишлар юзасидан фақатгина кодекснинг 138-моддаси 1, 2, 3-қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар юзасидан маъмурий баённома расмийлаштирилмаслиги, уларга жойида жарима қўлланилиши белгилаб қўйилди. Ушбу ўзгариш ИИВ ДЙҲХХ ходимлари томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳайдовчиларга жойида жарима солиш имкониятини чеклашни назарда тутади.

Қайд этиб ўтиш лозимки, Кодексга киритилган ўзгартиришлар ДЙҲХХ ходимларининг фақат қоида бузувчи пиёдалардан жарима ундириш ҳуқуқини қолдирди. Ушбу механизмнинг зарурияти пиёдаларга солинган жаримани ўз вақтида ундиришни таъминлаш эҳтиёжидан келиб чиқди (амалиётда, кўп ҳолларда пиёдалар шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни ўзи билан олиб юрмайдилар).

**Иккинчидан**, Кодекснинг 287-моддасида ички ишлар идоралари ходимларига янги киритилган $176^4$-модда (Таксиларни ягона таниш белгилари билан жиҳозлашга доир талабларни бузиш)да назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун ҳуқуқбузарни маъмурий йўл билан ушлаб туришга ваколат берилди.

**Учинчидан,** Кодекснинг 291-моддаси (Транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўрикдан ўтказиш асослари ва тартиби) $128^6$-модда билан тўлдирилди.

Ушбу моддага киритилган ўзгартириш «Тўхташ ва тўхтаб туриш қоидаси»ни бузган транспорт воситасининг ҳайдовчиси бўлмаса ва тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларининг бузилиши йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатланишига халақит берган ҳолдагина транспорт воситасини мажбурий эвакуация қилинишини назарда тутади.

Шу билан бирга, қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини (Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ва чегара қўшинларининг транспорт воситаларидан ташқари) сақлаб туриш жойларига олиб бориш, жойлаштириш ва сақлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши қонун ҳужжати билан мустаҳкамлаб қўйилди.

**— Пиёдалардан жойида жарима ундириш механизми қандай бўлади?**

— ЙПХ ходимлари қоидабузарлик содир этган пиёдани тўхтатиб, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўриб, содир этган қоидабузарлигини тушунтириб уни жаримага тортади. Жарима имкон даражасида жойида ундирилади. Ҳуқуқбузар пиёданинг жойида жарима тўлашга имконияти бўлмаса ёки ҳуқуқбузарлик фактини инкор қилган ҳолатларда унинг шахси ўрнатилган тартибда аниқлангандан сўнг маъмурий баённома расмийлаштирилади.

Амалдаги қонунчиликда белгиланган муддатларда жарималарни ундириш мақсадида маъмурий амалиёт инспекторлари билан сафдаги ЙПХ тузилмаларининг ахборот алмашинуви йўлга қўйилган. Шунга кўра транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш, рўйхатга олиш, қайта рўйхатлаш вақтида ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузганликлари ҳолати бўйича жаримани тўлаганликлари маъмурий амалиёт бўйича юритилган маълумотлар базасидан текшириб борилади.

**—Тўхташ ва тўхтаб туриш қоидаларини бузган барча транспорт воситалари эвакуаторлар ёрдамида олиб кетиладими?**

— Транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексининг $128^6$-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги аниқланган ҳолатларда фақатгина «Тўхташ ва тўхтаб туриш қоидаси»ни бузган транспорт воситасининг ҳайдовчиси бўлмаса ва тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларининг бузилиши йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатланишига халақит берган ҳолдагина транспорт воситаси мажбурий эвакуация қилинади. Бу ишлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 149-сонли «Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан амалга оширилади.

**— Юқорида ҳуқуқбузарлик учун ҳуқуқбузарни маъмурий йўл билан ушлаб туриш ваколати берилгани тўғрисида гапирдингиз, шу ҳақда тўхталиб ўтсангиз?**

— Маъмурий йўл билан ушлаб туриш бу ишга Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ваколат бериб қўйилган органлар (мансабдор шахслар) томонидангина амалга оширилиши мумкин.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш уч соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас.

**— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 139-сонли қарорига асосан йўналишсиз таксилар алоҳида жиҳозлар билан таъминланган бўлиши керак. Хўш, бу талаблар нималардан иборат?**

— Биринчи навбатда шуни таъкидлаш жоизки, йўналишсиз такси фаолияти билан шуғулланадиган автотранспорт воситасининг тепасига ўрнатиладиган сариқ рангли фонарга «TAXI» ёзувли таниқлик белгиси ўрнатилиши ва автотранспорт воситасининг олди эшикларига «Т» ҳарфи ва шахмат таркибида жойлаштирилган қора квадратлар композицияси ва йўловчи ташувчи корхонанинг номи ёзилган бўлиши керак. Янги қонунга асосан таниқлик белгиси бўлмаган таксиларга нисбатан маъмурий чора кўрилади.

Ўйлаймизки, бу ўзгариш ва янгиликлар ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш йўналишида амалга ошираётган ишларимизни янада яхшилашга хизмат қилади.

**Алоуддин ҒАФФОРОВ**

# ҚУЛАЙ ВА ЗАМОНАВИЙ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Тошкентдаги «Eko Elektron» шўъба корхонасида «Artel» газ плиталарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Газ плиталарининг техник жиҳатлари ва рангига кўра фарқланадиган олти хил – «Comida», «Solana», «Fresco», «Gusto», «Appetito» ва «Maestro» моделлари ишлаб чиқарилмоқда. Улар қулайлик нуқтаи назаридан ҳам фарқланади, масалан, газ плитаси ва духовка горелкаларининг электр токи ёрдамида ёқилиши, газ назорати, термостат, гриль, вертель ҳамда плита ичида иссиқликни яхши сақлаш имконини берадиган иккиталик духовка эшикларининг мавжудлиги шулар жумласидандир. 2012 йилнинг 9 ойи якунига кўра, 23 мингта газ плитаси ишлаб чиқарилди.

«Artel» кондиционерлари «Neo Sun Light» қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилмоқда. 2012 йилнинг ўтган даври мобайнида қарийб 30 минг дона кондиционер ишлаб чиқарилди. Кондиционерларни ишлаб чиқаришда Хитойнинг маиший техника ишлаб чиқариш бўйича етакчи бўлган «Midea» компаниясининг тажрибаси асос қилиб олинди. У ўз маҳсулотларининг сифати ва ҳажми бўйича дунёдаги ўнта етакчи кондиционер ишлаб чиқарувчи компаниялар қаторида туради.

Бугунги кунда «Artel» кондиционерлари сафига янги ўзига хос «Montana» туркумидаги кондиционерлар ҳам қўшилди. Бу туркумга 9, 12 ва 18 техник конфигурацияли уч турдаги кондиционерлар киради. Улар юқори сифатли ва ўзига хос дизайнга эга бўлиб, уй ва офисларга шинамлик, тоза ҳаво ва гўзаллик бахш этади.

«Neo Sun Light» қўшма корхонаси ишлаб чиқариш майдончаларида дунёга машҳур «Samsung» бренди остидаги микротўлқинли печлар ҳам тайёрланмоқда. Ўтган 9 ой давомида корхонада 9,5 мингдан ортиқ микротўлқинли печлар ишлаб чиқарилди. Ҳозирда икки турдаги микротўлқинли печлар ишлаб чиқарилмоқда. Айни дамда маҳсулот турини кенгайтириш борасида иш олиб борилмоқда.

Ўтган йили Нукусдаги янги «White Machine Technology» Ўзбекистон – Буюк Британия қўшма корхонасида «Samsung» чангютгичларини ишлаб чиқариш технологик линияси ишга туширилди. Корхона тўла лойиҳавий қувват билан ишлай бошлагач, бу ерда йилига юз минг дона чангютгич ишлаб чиқарилади. Жорий йилнинг 9 ойи якунига кўра, 29 минг донадан зиёд чангютгич тайёрланди.

Таъкидлаш керакки, жорий йилда «White Machine Technology» қўшма корхонаси «Artel» савдо белгиси остида ишлаб чиқарган юпқа кристалл дисплейли телевизорлар тақдимотини ўтказди. LCD-телевизорларини ишлаб чиқариш бўйича қиймати 4,5 миллион долларлик лойиҳани амалга ошириш 2011 йилда бошланган эди. Юпқа кристалл дисплейли 726-серияли телевизорлар дастлабки модель сифатида танлаб олинди. Ўзига хос дизайн ушбу телевизорларнинг юқори техник жиҳатларини янада бойитади.

Мазкур телевизорнинг маҳаллий шароитга тўлиқ мослаштирилгани ҳам муҳим аҳамиятга эга. У мамлакатимиз бозоридаги ўзбек тилидаги менюсига эга бўлган ягона телевизордир. Ҳаммаси бўлиб 25 тилда меню танлови мавжуд. Спутник каналларни қабул қилиш тизими, стандарт телеантеннани улаганда 12 тагача дастурларни қабул қила олади. Яъни, фойдаланувчининг пулли рақамли каналларга уланиш учун қўшимча ускуна харид қилишига зарурат бўлмайди.

Йил охирига қадар 50 минг дона «ARTLCD» телевизорларини ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Айни пайтда рангли диодли, диагонали 47 дюмгача бўлган экранга эга ҳамда такомиллаштирилган «LED» телевизорларининг навбатдаги моделини ишлаб чиқиш устида иш олиб борилмоқда. Бу моделнинг Smart TV ва 3D функцияларини ҳам ўзида мужассам этиши кўзда тутилмоқда.

«Artel» савдо белгиси остидаги маиший техникаларни фирма дўконлари орқали харид қилиш мумкин. Уларни кредит асосида ҳам сотиб олиш имконияти мавжуд. Мижозларга қулайлик яратиш учун истеъмол кредити расмийлаштириладиган минибанклар фаолияти йўлга қўйилган.

Дўконларда телевизорлар, газ плиталари, кондиционерлар, микротўлқинли печларни кредит асосида харид қилиш мумкин. Кредитни расмийлаштириш учун паспорт нусхаси ва даромадлар тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиш кифоя. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган нархи нисбатан арзон ва хорижникидан қолишмайдиган бу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам қатор фирма дўконлари очилади.

– Мамлакатимизда шундай сифатли ва нисбатан арзон маиший техникалар пайдо бўлганидан мамнунман, – дейди жиззахлик харидор Жамшид Усмонов. – Яқинда янги LCD-телевизорини харид қилдим. Энди оиламиз билан рақамли телевидениедан баҳраманд бўлиш имконига эгамиз. Кечки пайтда ҳаммамиз тўпланиб, севимли кўрсатувларимизни томоша қиламиз. Мен мазкур бренд остида бошқа маҳсулотларни ҳам харид қилганман. Ярим йил аввал кондиционер ва газ плитасини харид қилгандик. Бугун улар хонадонимизнинг беминнат дастёрларига айланган. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов амалга ошираётган халқимиз турмуш шароитини янада яхшилаш ҳамда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳар томонлама чуқур ўйланган изчил сиёсат самарасидир.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири**

**_Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган «Ўзкабель» корхонаси ўз маҳсулотларини дунёнинг 10 дан ортиқ давлатларига экспорт қилмоқда. Бу масъулиятли вазифалар асосан «Салор» темир йўл бекати орқали амалга оширилмоқда._**

# БУЮРТМАЧИЛАР ЭҲТИЁЖИ ТЎЛА ҚОНДИРИЛМОҚДА

Бекатда «Тошкент лок-бўёқ» корхонасига ҳамда «Тошкент иккиламчи қораметалл» очиқ акциядорлик жамиятига ҳам хизмат кўрсатилмоқда.

Маълумки, экспорт орқали келадиган даромад давлатимизнинг ташқи ва ички иқтисодиётини ривожлантиришга ёрдам беради.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат компанияси тасарруфидаги ташкилот ва корхоналарнинг олдига қўйилган вазифалар доирасида, темир йўл фаолиятини тубдан яхшилаш, мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш, юк вагонларини ўз вақтида етказиб беришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Жорий йилда ўтган йилга нисбатан юк ортиш кўрсаткичи 140 фоизга оширилиши кўзда тутилган. Юк тушириш эса 120 фоизга кўтарилади. Зеро, бекатда кўрсаткичлар салмоғи ортиб, буюртмачилар эҳтиёжи тўла қондирилмоқда.

# АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

**_«Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси томонидан республиканинг барча ҳудудларида электр энергиясидан фойдаланувчилар билан ҳисоб-китоб учун автоматлаштирилган билинг тизими йўлга қўйилди._**

Ушбу тизим билан онлайн тартибида маълумотларни олишни татбиқ этиш мақсадида қўшимча тадбирлар кўрилди. Бу эса компания тизимига мувофиқлаштириш имконини берди.

Ҳозир «Тошкент почтамти» филиалида тизимли тест-синов ишлари амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқилган янги лойиҳа бўйича эса аралаш пул ўтказмалари тизими йўлга қўйилди. Эндиликда тўловларни тўлиқ электрон шаклида қабул қилиш ҳам жорий этилди.

**Озод АҲМЕДОВ**

# ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ РЕЙТИНГИ ЎТКАЗИЛАДИ

**_2012 йил 29 декабрь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг «Республикадаги олий таълим муассасаларини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги қарорини имзолади._**

Ушбу ҳужжат Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларининг илмий ва педагогик фаолияти даражаси ва сифатини оширишни рағбатлантириш, улар томонидан ОЎЮ профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий салоҳиятидан фойдаланиш бўйича тегишли халқаро мезонлар ва стандартлар ҳамда кўрсаткичларга эришиш, реал иқтисодиёт тармоқлари учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш сифатини ошириш ҳамда таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида қабул қилинди.

Қарорга кўра, 2013 йилдан бошлаб Ўзбекистонда ҳар йили ўтказиладиган ОЎЮни рейтинг баҳолаш тизими жорий этилади.

Республика олий таълим муассасалари рейтингини тузиш ва уларни баҳолаш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази зиммасига юклатилди.

UzDaily. портали маълум қилишича, рейтинг ОЎЮнинг илмий-педагогик фаолияти даражаси ва сифатини характерловчи маълумотлар базасини мунтазам равишда танлаб олиш ва шакллантириш асосида тузилади.

Рейтинг ўқитиш сифати даражасининг индекси, талабалар ва битирувчилар малакасининг индекси, ОЎЮнинг илмий салоҳияти ва бошқа кўрсаткичлар асосида тузилади. Шунингдек, Давлат тест маркази ҳар йили рейтинг асосида соҳани такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар ва мамлакатда олий таълимни ривожлантириш жараёни ҳақидаги таҳлилий маърузаларни тайёрлайди.

Қарорда қайд этилишича, Давлат тест маркази рейтинг натижаларини шу йил 1 мартга қадар оммавий ахборот воситаларида чоп этади.

**«Туркистон-пресс»**

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ, ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОР ВА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

**2012 йилнинг 28 декабрида бўлиб ўтган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида Кенгаш ва унинг доимий комиссияларининг 2013 йилга мўлжалланган иш режалари тасдиқланди.**

# КЕНГАШНИНГ ЙИЛЛИК ИШ РЕЖАСИ

Юртбошимизнинг 2012 йил 16 мартдаги халқ депутатлари Тошкент шаҳри Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқиб, Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган қўшимча чора-тадбирларнинг ижроси келгуси сессияда кўриб чиқилади.

Бундан ташқари "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси ҳамда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Тошкент шаҳридаги минтақавий вакилининг 2012 йилдаги фаолияти кун тартибига қўйилди.

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси юзасидан туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Шайхонтоҳур, Юнусобод ва Сергели туманлари ҳокимларининг ҳисоботлари муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилиниши белгиланди.

Шунингдек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари С.Бобоқулов ва Д.Қосимовларнинг депутатлик фаолиятлари юзасидан ҳисоботлари эшитилади.

"Обод турмуш йили" давлат дастурининг устувор вазифалари ва 2013 йилнинг 1-ярим йиллигида амалга оширилаётган ишлар атрофлича кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги «Соғлом авлодни шакллантириш, оналар ва болаларни муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида»ги ҳамда 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорларининг Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан ижроси таъминланишига оид масалаларни кўриб чиқиш иккинчи чоракда бўлиб ўтадиган сессия кун тартибига киритилди.

Шунингдек, Бектемир ва Олмазор туманлари ҳокимларининг, шунингдек, Коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссиянинг фаолияти ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари М.Қосимов ва К.Шокироваларнинг депутатлик фаолиятлари юзасидан ҳисоботлари муҳокама этилади.

Йиллик иш режасида бўлиб ўтадиган сессияда Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги "2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури" тўғрисидаги қарорининг ҳамда "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги "Тўғридан тўғри хорижий инвестициялар жалб этишни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг ижроси юзасидан Тошкент шаҳрига хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича Тошкент шаҳар Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси томонидан олиб борилаётган ишларни кўриб чиқиш белгиланди.

Шунингдек, иш режада бўлиб ўтадиган сессия кун тартибидан Чилонзор, Учтепа ва Ҳамза туманлари ҳокимларининг ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари Н.Эшметова ва А.Толибжоновларнинг депутатлик фаолиятлари юзасидан ҳисоботлари ўрин олган.

Бундан ташқари Тошкент шаҳрини 2013 йил иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014 йилда ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга доир вазифалар, Тошкент шаҳри давлат бюджети ижроси ва 2014 йил бюджети лойиҳасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари якунлари, кун тартибидаги масалалар бўйича Миробод, Мирзо Улуғбек ва Яккасарой туманлари ҳокимларининг ҳисоботларини муҳокама қилиб, тегишли қарорлар қабул қилиш кўзда тутилган.

Шунингдек, унда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссиясининг фаолиятини кўриб чиқиш ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари М.Абдуллаев ва А.Искандаровларнинг депутатлик фаолиятлари юзасидан ҳисоботларини муҳокама қилиш белгиланган.

Бундан ташқари халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ҳузуридаги доимий комиссияларнинг йиллик иш режаси ҳам тасдиқланди. Унга кўра доимий комиссиялар аъзоларининг ҳар ойда олиб борадиган назорат фаолияти, қонунлар ва қарорлар ижросини таъминлашга кўмаклашиш, туман ҳокимликлари фаолиятини ўрганиш, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш, депутатлар томонидан ўз округларида сайловчилар билан учрашиш, сайловчиларнинг фикрлари ва таклифларини ўрганиб чиққан ҳолда тегишли ижро органларига мурожаатлар қилиш, шунингдек электрон почта орқали сайловчиларнинг мурожаатлари билан ишлаш, доимий комиссия йиғилишларида ва сессияларига таклифлар киритиш ва бошқа муҳим масалалар ўз аксини топган.

Шунингдек, ушбу сессияда Кенгашнинг йиллик иш режаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясига ёрдам берувчи халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ишчи гуруҳининг 2013 йилга мўлжалланган иш режаси ҳам тасдиқланди.

# ШАҲАР МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ҲАҚИДА

***Аввал хабар қилинганидек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси томонидан Тошкент шаҳрининг 2012 йилдаги маҳаллий бюджети ижроси ва 2013 йилдаги маҳаллий бюджети лойиҳаси атрофлича кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.***

Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган Тошкент шаҳрининг 2013 йилга мўлжалланган маҳаллий бюджети параметрлари қабул қилинди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқ, Тошкент шаҳар ҳокимлигига 2013 йил учун шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетининг даромад ва харажатлар қисмини, умумдавлат солиқларидан ҳисобланадиган меъёрларини ва айланма касса маблағларининг чегаравий миқдорини тасдиқлаш ҳамда Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликлари бюджет даромадлари ва харажатларининг тасдиқланган кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш вазифалари юкланди.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасига белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда бюджетнинг даромад ва харажат қисмига ўзгартиришлар киритилишига рухсат берилди.

Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилди.

*Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши қарори*

# ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА 2013 ЙИЛ УЧУН МАҲАЛЛИЙ СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАР СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1887-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Тошкент шаҳри бўйича 2013 йил учун маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси, Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти ва туман ҳокимликларига 2013 йил маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкаларини солиқ тўловчилар эътиборига етказилиш ва амалиётда қўлланишини таъминлаш топширилсин.

3. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2011 йил 29 декабрдаги "Тошкент шаҳри бўйича 2012 йил учун маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари тўғрисида"ги 121/4-16-сонли ва 2003 йил 20 июндаги "Тошкент шаҳар ҳокимининг 2003 йил 16 июндаги "Алкоголли маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаларни бериш тўғрисида"ги 348-сонли қарорини тасдиқлаш ҳақида"ги 174/12-2-сонли қарорлари 2013 йил 1 январдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Халқ депутатлари**
**Тошкент шаҳар Кенгаши раиси**
**Р. Усманов**

*2012 йил 28 декабрь*

Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгашининг
2012 йил 28 декабрдаги
қарорига илова

**Тошкент шаҳри бўйича 2013 йил учун**
**маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари**

| | Солиқлар ва йиғимлар турлари | Солиқлар ва йиғимлар ставкаси |
|---|---|---|
| 1. | Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи | Соф фойдадан 8 % |
| 2. | Истеъмол учун солиқ *:<br>- транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси<br>- транспорт воситалари учун суюқ газ<br>- транспорт воситалари учун сиқилган газ | <br>1 литр учун 240 сўм<br>1 литр учун 165 сўм<br>1 куб. метр учун 200 сўм |
| 3. | Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим**:<br>- алкоголли маҳсулотлар, шунингдек умумовқатланиш корхоналари томонидан алкоголли маҳсулотларни сотиш *<br>- қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар | <br>1 ойлик савдо учун 5 энг кам иш ҳақи<br>1 ойлик савдо учун 3,5 энг кам иш ҳақи |
| 4. | Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пуллик хизмат кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим | Ҳар ой учун 6 энг кам иш ҳақи |

* Кўрсатиб ўтилган ставкалар миқдорлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона ҳисобланади.

Юридик ва жисмоний шахсларга автоёқилғи қуйиш шохобчалари орқали транспорт воситалари учун сотиладиган бензин, дизель ёқилғиси ва газ нархи, транспорт воситалари истеъмоли учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ солиғини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

** Йиғимнинг 10 фоизи Тошкент шаҳар ҳокимлиги Савдо, хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти ҳисоб рақамига ўтказилади ва ушбу маблағнинг ишлатилиши Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 4 мартдаги 42-сонли буйруғи билан (рўйхат рақами 1132-сон, 2002 йил 29 апрель) тасдиқланган Низом асосида амалга оширилади.

# ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ЙИҒИЛИШЛАРИ

***Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди.***

Йиғилишни комиссия раиси Сотиболди Бобоқулов олиб борди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясининг 2012 йил 25 декабрдаги йиғилиши қароридан келиб чиқадиган вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

| 5. | 14 200 | Станоклар ясаш ва асбобсозлик саноати | 2 500 |
| 6. | 14 300 | Ҳисоблаш техника воситалари саноати | 2 500 |
| 7. | 14 400 | Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги | 2 000 |
| 8. | 14 500 | Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги | 2 000 |
| 9. | 14 600 | Енгил ва озиқ-овқат саноати ва маиший асбоблар машинасозлиги | 2 000 |
| 10. | 14 710 | Санитар-техник ва газ жиҳозлари ва маҳсулотларини ишлаб чиқариш | 2 500 |
| 11. | 14 800 | Металл конструкцияларини ва жиҳозларини ишлаб чиқариш | 2 500 |
| 12. | 14 900 | Машина ва жиҳозларни таъмирлаш | 2 500 |
| 13. | 14 780 | Машинасозликнинг бошқа тармоқлари | 2 500 |
| | | **Ўрмончилик, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати** | |
| 14. | 15 100 | Ёғоч тайёрлаш саноати | 2 500 |
| 15. | 15 200 | Ёғочни қайта ишлаш саноати | 2 500 |
| 16. | 15 300 | Целлюлоза-қоғоз саноати | 2 500 |
| 17. | 16 100 | Қурилиш материаллари саноати | 2 500 |
| | | **Енгил саноат** | |
| 18. | 17 100 | Тўқимачилик саноати | 2 500 |
| 19. | 17 200 | Тикувчилик саноати | 2 500 |
| 20. | 17 300 | Тери, мўйна ва пойабзал саноати | 2 500 |
| 21. | 17 900 | Енгил саноатнинг бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари | 2 500 |
| | | **Озиқ-овқат саноати** | |
| 22. | 18 100 | Озиқ-овқат таъми саноати (балиқ, гўшт, ёғ-пишлоқ ва сут саноатидан ташқари) | 2 500 |
| 23. | 18 200 | Гўшт ва сут саноати | 2 500 |
| 24. | 18 300 | Балиқчилик саноати | 2 500 |
| 25. | 19 200 | Ун-ёрма саноати | 2 500 |
| 26. | 19 220 | Комбикорм саноати | 2 000 |
| 27. | 19 700 | Саноатнинг бошқа тармоқлари | 2 500 |
| | | **Саноатнинг бошқа тармоқлари** | |
| 28. | 19 300 | Тиббиёт асбоблари саноати | 2 500 |
| 29. | 19 400 | Полиграфия саноати | 8 000 |
| 30. | 19 740 | Кимёвий тозалаш, бўяш, кирни ва бошқа газлама маҳсулотларини ювиш ва қайта ишлаш | 6 000 |
| 31. | 19 900 | Саноатда хўжалик бошқаруви | 8 000 |
| | | **Қишлоқ хўжалик** | |
| 32. | 21 100 | Ўсимликшунослик (жумладан иссиқхона хўжалиги) 1 га | 1 600 000 |
| 33. | 21 200 | Чорвачилик | 2 000 |
| 34. | 21 300 | Балиқ етиштириш (шу жумладан сунъий етиштириш ҳавзалари) 1 га | 1 600 000 |
| 35. | 22 200 | Ветеринария хизмати | 2 500 |
| 36. | 22 300 | Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотлар | 2 500 |
| 37. | 30 000 | Ўрмон хўжалиги (шу жумладан боғлар) 1 га | 1 600 000 |
| | | **Транспорт ва алоқа** | |
| 38. | 51 111 | Оммавий ер усти темир йўл транспорт воситалари | 6 500 |
| 39. | 51 121 | Транспорт инфраструктураси (автопарк, таксопарк, автомобиллар тўхташ жойи, гаражлар, автомобиллар ювиш шохобчалари) | 6 500 |
| 40. | 51 520 | Аҳоли буюртмасига кўра юкларни ташиш ва бошқа транспорт хизматларини кўрсатиш | 6 000 |
| 41. | 52 100 | Почта алоқаси | 5 500 |
| 42. | 52 200 | Курьер алоқаси | 6 500 |
| 43. | 52 300 | Симли электр алоқаси | 6 500 |
| 44. | 52 300 | Электро –радио – уяли ва пейжинг алоқаси | 17 000 |
| | | **Қурилиш** | |
| 45. | 60 000 | Қурилиш | 5 000 |
| 46. | 66 000 | Лойиҳа, лойиҳа-қидирув ташкилотлари | 5 000 |
| | | **Савдо ва умумий овқатланиш** | |
| 47. | 71 100 | Улгуржи савдо | 10 000 |
| 48. | 71 130 | Маълум миқдорда молларни сотиш (хизмат кўрсатиш) фаолиятини олиб борувчи улгуржи бозорлар | 24 000 |
| 49. | 71 200 | Чакана савдо | 15 000 |
| 50. | 71 300 | Умумий овқатланиш | 10 000 |
| 51. | 71 200 | Китоб дўконлари | 1 000 |
| 52. | 71 400 | Маданий-маиший мақсадларда ва хўжалик мақсадларида ишлатиладиган буюмларни ижарага бериш | 10 000 |
| 53. | 71 500 | Халқ истеъмоли моллари савдосида воситачилик | 15 000 |
| 54. | 80 000 | Моддий техник таъминоти ва савдоси | 11 000 |
| 55. | 82 000 | Информацион-ҳисоблаш бўйича хизматлар кўрсатиш | 11 000 |
| 56. | 82 100 | Интернет ва компьютер тармоғи бўйича хизматлар кўрсатиш | 11 000 |
| 57. | 82 100 | Кўчмас мулк билан операцияларни амалга ошириш | 11 000 |
| 58. | 84 300 | Реклама, вакиллик хизматлари | 10 000 |
| 59. | 84 400 | Аудиторлик фаолияти | 10 000 |
| 60. | 84 500 | Маркетинг тадқиқот, тижорат, молия ва бошқарув масалалари бўйича маслаҳат хизматлари | 10 000 |
| 61. | 85 000 | Ер ости геологияси ва қидирув ишлари, геодезия ва гидрометереология хизмати | 15 000 |
| 62. | 87 100 | Таҳририят ва нашриётлар | 5 500 |
| 63. | 87 300 | Металлом ва иккиламчи хом ашёни йиғиш ва тайёрлаш | 5 500 |
| 64. | 90 100 | Уй-жой хўжалиги (ХУЖМШ объектлари) | 5 500 |
| 65. | 90 220 | Меҳмонхона хўжалиги | 11 000 |
| 66. | 90 300 | Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари | 6 000 |
| 67. | 90 300 | Сартарошхона, суратхона, модалар ательеси, пойабзал тузатиш | 8 000 |
| 68. | 90 300 | Ломбардлар | 12 000 |
| 69. | 90 300 | Ҳаммомлар | 17 000 |
| 70. | | Сауна ва бассейнлар | 35 000 |
| | | **Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот** | |
| 71. | 91 510 | Соғлиқни сақлаш | 8 000 |
| 72. | 91 600 | Дам олиш ва туризм | 8 000 |
| 73. | 91 611 | Маданий кўнгилочар марказлар (билярдхона, ўйин автоматлари, дискотекалар ва шу кабилар) | 11 000 |
| 74. | 91 700 | Жисмоний тарбия ва спорт | 3 500 |
| 75. | 71 212 | Дорихона муассасалари, оптика ва тиббиёт жиҳозлари савдо дўконлари | 8 000 |
| | | **Таълим** | |
| 76. | 92 100 | Юқори ва ўрта таълим бўйича кадрларни тайёрлаш (шу жумладан ўқув курслари) | 7 000 |
| 77. | 92 200 | Ишчи ва бошқа хизматчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш | 6 000 |
| 78. | 92 310 | Умумтаълим болалар мактаби (нодавлат таълим муассасалари учун) | 3 000 |
| 79. | | Таълим ўқув муассасаларида умумий овқатланишни ташкиллаштириш | 4 000 |
| 80. | 92 400 | Мактабгача тарбия (нодавлат таълим муассасалари учун) | 3 000 |
| 81. | 93 000 | Маданият ва санъат | 14 000 |
| 82. | 93 132 | Кўргазмалар | 8 000 |
| 83. | 93 160 | Маданий ва дам олиш боғлари | 7 000 |
| 84. | 93 170 | Ботаника ва ҳайвонот боғлари | 7 000 |
| 85. | 93 180 | Телевидение ва радио узатиш редакциялари | 7 000 |
| 86. | 93 620 | Киностудиялар ва овоз ёзиш студиялари | 25 000 |
| 87. | 95 000 | Илм-фан ва илм-фан хизматлари | 5 000 |
| | | **Молия-кредит фаолияти** | |
| 88. | 96 000 | Молия, кредит (суғурталаш ва аудиторлик фаолиятидан ташқари) нафақа таъминоти | 10 000 |
| 89. | 96 100 | Банк фаолияти | 15 000 |
| | | **Фаолиятнинг бошқа турлари** | |
| 90. | 96 200 | Суғурталаш | 10 000 |
| 91. | 97 800 | Суд ва ҳуқуқий хизматлар* | 7 000 |
| 92. | 97 820 | Адвокатлар коллегияси ва ҳуқуқий маслаҳатхоналари | 7 000 |
| 93. | 98 000 | Жамоат бирлашмалари | 2 500 |
| 94. | 80 200 | Омборхоналар | 10 000 |
| 95. | | Давлат ташкилотлари учун офис | 5 000 |
| 96. | | Хусусий ташкилотлар учун офис | 17 000 |
| 97. | | Автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари | 10 000 |
| 98. | | Енгил автомобиллар ва бошқа транспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш (шу жумладан вулканизациялар) | 10 000 |
| 99. | | Ер ва тупроқ хусусиятлари тадқиқот лабораториялари | 5 000 |
| 100. | | Турли хизматлар учун ҳақ олиш (paynet) | 25 000 |
| 101. | | Маданий мерос бино ва иншоотларида чакана савдо | 16 000 |
| 102. | | Маданий мерос бино ва иншоотларида умумий овқатланиш | 12 000 |
| 103. | | Авиакассалар ( шу жумладан темир йўл, транспорт ва бошқа) | 16 000 |
| 104. | | Банкоматлар | 150 000 |
| 105. | | Нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш | 10 000 |

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги "Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 102-сон қарорининг $3^1$-моддасига мувофиқ давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда жойлашган бюджет ташкилотлари учун ижара тўловининг ноль ставкаси қўлланилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 22 ноябрдаги №07/10-41-сонли баённомаси 11 бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги савдо бошқармасининг таркибий бўлинмаларига ёпиқ ҳарбий шаҳарчалар, муассасалари ҳарбий қисмларидаги давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг ноль ставкалари қўлланилади.

---

Тошкент шаҳар ҳокимининг
2012 йил 30 декабрдаги
қарорига 2-илова

## Ижара ҳақини ҳисоблаш тартиби

Ижара ҳақи ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффициентлар:

1. Ҳудудий зоналар коэффициенти-Кз. (Тошкент шаҳар ҳокимининг 2010 йил 25 январдаги "Ер солиғи тўлаш ставкаси бўйича зона чегараларининг схемаси ва тарифларини тасдиқлаш ҳақида"ги 41-сонли қарорида белгиланган чегараларга асосан)

- 1-зона -1.0   - 6-зона - 2.66   11-зона - 3.73
- 2-зона - 1.22   - 7-зона - 2.80   12-зона - 3.93
- 3-зона - 1.73   - 8-зона - 2.95   13-зона - 4.11
- 4-зона - 1.88   - 9-зона - 3.24   14-зона - 4.37
- 5-зона - 2.12   - 10-зона - 3.49

2. Бинонинг жойлашуви ва қурилиш турига кўра қўлланиладиган коэффициентлар:
2.1.Бинонинг қурилиш тури бўйича (Кқ):
- алоҳида турган бино - 1.0
- бинонинг ички қисмида жойлашган ва тақаб қурилган - 0.8
- ярим ертўла, ертўла - 0.6
- чердак, болахона - 0.5
- реклама воситалари учун бино ва иншоотнинг фасад қисми - 0.2

2.2. Туташган ҳудудидан фойдаланиш коэффициенти (Кҳ):
- ер майдони мавжуд бўлганда - 0.3

2.3. Тижорат мақсадида фойдаланишда қулайлиги (Кт):
- метро станциясидан 200 метр радиус атрофида - 0.8
- асосий қатнов кўчаларида жойлашгани - 0.7 (3-иловага мувофиқ)
- иккинчи даражали қатнов кўчаларида жойлашгани- 0.5

Бинолар ва иншоотлар бўйича ижара тўловини (ижара тўловининг таянч ставкаси) ҳисоблаб чиқиш қуйидаги тарзда аниқланади:

Тс = Эс х Кз х (Кқ + Кҳ + Ко)

Бунда: Тс-бир йилга 1 кв.м учун ижара тўловининг таянч ставкаси;
Эс-1-иловага мувофиқ ижарага берилаётган майдондан фойдаланиш мақсадига кўра бир йилга 1 кв.м. учун энг кам ставка.

Балансида давлат мулкини сақловчи корхона, ташкилот ва муассаса балансидаги бино-иншоотни яхшилаш, талаб даражасида сақланиши билан бир қаторда корхона моддий техника базасини ривожлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги "Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 102-сон қарори билан тасдиқланган низомнинг 5 ва 10 бандлари талабларидан келиб чиқиб, ижара ҳақи белгиланишида энг кам ставкалари томонлар таклифига асосан оширилиши мумкин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги объектлар бўйича Департамент ва ижарачи ўртасида тузиладиган икки томонлама шартномаларда, маъмурий бинолар фондини таъмирлаш учун, ижара тўловидан қўшимча 30 фоиз миқдорида тўловлар киритилади.

---

Тошкент шаҳар ҳокимининг
2012 йил 30 декабрдаги
қарорига 3-илова

## Тошкент шаҳридаги марказий қатнов кўчалар рўйхати

Абдулла Қодирий кўчаси
Қоратош кўчаси
Абдурауф Фитрат кўчаси
Амир Темур шоҳ кўчаси
Асака кўчаси
Афросиёб кўчаси
Аҳмад Дониш кўчаси
Аэропорт ҳудуди
Беруний кўчаси
Бешқайрағоч кўчаси
Бобур кўчаси
Боғишамол кўчаси
Бодомзор йўли кўчаси
Бунёдкор шоҳ кўчаси
Бухоро кўчаси
Буюк Ипак йўли кўчаси
Буюк Турон кўчаси
Гавҳар кўчаси
Ифтихор кўчаси
Дархон кўчаси
Зарафшон кўчаси
Заргарлик кўчаси
Зарқайнар кўчаси
Зулфияхоним кўчаси
Зиё кўчаси
Истиқбол кўчаси
Истиқлол кўчаси
Қатортол кўчаси
Кичик Ҳалқа йўли кўчаси
Қорасарой кўчаси
Қорасув кўчаси
Катта Хирмонтепа кўчаси
Қумариқ кўчаси
Лутфий кўчаси
Маннон Уйғур кўчаси
Мирзо Улуғбек кўчаси
Муҳаммад Юсуф кўчаси
Матбуотчилар кўчаси
Олмазор кўчаси
Янги Юнусобод кўчаси
Қумариқ кўчаси
Миробод кўчаси
Муқимий кўчаси
Янгишаҳар кўчаси
Мустақиллик майдони
Мустақиллик шоҳ кўчаси
Мухтор Ашрафий кўчаси
Навоий кўчаси
Назарбек кўчаси
Нукус кўчаси
Ойбек кўчаси
Оққўрғон кўчаси
Оқтепа майдони
Осиё кўчаси
Паркент кўчаси
Себзор кўчаси
Сағбон кўчаси
Самарқанд Дарвоза кўчаси
Содиқ Азимов кўчаси
Бешёғоч кўчаси
Талабалар кўчаси
Тараққиёт кўчаси
Тарас Шевченко кўчаси
Темур Малик кўчаси
Туркистон кўчаси
Уста Ширин кўчаси
Ўзбекистон шоҳ кўчаси
Фарғона йўли кўчаси
Форобий кўчаси
Фарҳод кўчаси
Фурқат кўчаси
А.Чехов кўчаси
Чилонзор кўчаси
Чоштепа кўчаси
Чўпонота кўчаси
Шароф Рашидов кўчаси
Шайхонтоҳур кўчаси
Шимолий Олмазор кўчаси
Шўртепа кўчаси
Шастри кўчаси
Шаҳрисабз кўчаси
Шота Руставели кўчаси
Юнус Ражабий кўчаси
Янги Сергели кўчаси
Яхё Ғуломов кўчаси

Шаҳрим — фахрим

# ТОШКЕНТ ТЕЛЕМИНОРАСИГА ТЎРТ ТАЪРИФ

***Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган Тошкент телеминораси ҳақида мақола тайёрлаш жараёнида кўнглимда ажиб бир ҳислар уйғонади. Бунда фахрланиш, ифтихор туйғулари бирлашиб кайфиятим янада кўтарилади.***




Телеминорага ташрифим жараёнида менга ҳамроҳлик қилган Тошкент телеминораси директорининг биринчи ўринбосари Абдусаттор Маткаримов қалбимдан кечаётган жараёнларни ҳис қилгандай майингина жилмайиб қўйди. 375 метрли Тошкент телеминорасининг нуфузи бугунги кунда нафақат мамлакатимизда, балки дунё мамлакатлари нигоҳида ҳам алоҳида эътиборга сазовордир.

Маҳобат ва улуғворлик билан қад ростлаб турган бино ичида сайёҳларнинг ташрифи ва қизғин мулоқотлари жараёнини кузатиш янада мароқли ва завқлидир. Бутун мамлакатимизга кўзгудек нур таратиб турган бу улуғ даргоҳни теле ва радио каналларнинг юраги деб аташ мумкин.

Жорий йилда Тошкент телеминорасининг фаолият бошлаганига 28 йил тўлади.

## ИЗЛАНИШЛАР ИНТИҲОСИ

Юртимизда 1960-70 йилларда телекўрсатувларни пойтахтимиз ва Тошкент вилоятининг узоқ тоғли туманларига етказиб берадиган баланд минорали телемарказга эҳтиёж туғилди. Уни қуриш учун эса 1971 йилнинг сентябридан Ўзбекистон Алоқа вазирлиги тасарруфида «Тошкент радиотелевизон узатиш марказини қурилиш дирекцияси» ташкил қилинди. Бир неча йил давомида лойиҳа устида изланишлар олиб борилди.

Телеминора қурилиши учун Бўзсув каналининг қирғоғидан олти гектар ер ажратилган бўлиб, 1978 йилнинг апрель ойида қурилиш ишлари бошланиб кетди. Бунёдкорлик ишларига юқори савияли, катта тажрибага эга қурувчи ва монтажчилар таклиф қилинди.

1984 йилда телеминорадан фойдаланадиган ташкилот Тошкент радиотелевизон узатиш маркази ташкил этилиб, ходимлар қабул қилинди. 1985 йилнинг 15 январидан телеминора расмий равишда ишга туширилди. Ўша сана юртимиз ҳаётида энг шодумон, қувончли кунлардан ҳисобланиб зарҳал ҳарфлар билан тарих саҳифаларига ёзиб қўйилди ва тантанали равишда нишонланди. Телеминора ишга тушганидан сўнг Тошкент шаҳри ва вилоят аҳолисига 5 та телекўрсатув ва 4 та радиоэшиттириш дастурлари юқори сифатда узатила бошланди.

Кўп ўтмай Тошкент телеминораси Останкино ва Эйфель миноралари тақдимномаси билан, Бутунжаҳон буюк миноралар жамияти — ББМЖда ўз ўрнини эгаллади. Бу бизга дунё миқёсида қурилган телеминоралар ва уларнинг фаолияти ҳақида бохабар бўлиш ҳамда юртимизни танитиш имконини берди.

ББМЖ 1989 йили тузилган бўлиб, унинг қароргоҳи Австралиянинг Сидней шаҳрида, 2000 йилдан эса, Мельбурн шаҳрида жойлашган. Бугунги кунда Бутунжаҳон буюк миноралар жамиятининг 15 мамлакатда 22 та аъзоси бор.

## САМО САРИ САЙРЛАР

Дарҳақиқат, бугунги кунда Тошкент телеминораси нафақат техник иншоот, балки пойтахтимиз кўркига кўрк қўшиб турган архитектура дурдонаси ҳамдир. Швейцариянинг дунёга машҳур «Shindlep» фирмасида ишлаб чиқарилган тезюрар учта лифтнинг сониясига 4 метр баландликка кўтарилиши ҳам сирли ва сеҳрли тилсимотга ўхшайди.

100-110 метр баландликда жойлашган «Коинот» ресторанининг «Мовий» ва «Алвон» заллари ҳар бир кирган кишида ажиб бир хуш кайфият уйғотади. 120 кишилик ўринлар мавжуд бўлган ресторанда Европа ва миллий таомлар тайёрланади. Бу ерга кўпгина юксак мартабали меҳмонлар ташриф буюрган. Иссиқ ва совуқ ҳаво билан таъминланган залларда барча шарт-шароитлар замон талаблари доирасида таъминланган.

## ДУНЁДАГИ ЯГОНА МУЗЕЙ

Телеминора фойесига кираверишда ББМЖга бағишланган музей ҳам ташкил қилинган. Музейда Канаданинг Торонто, Россиянинг Останкино, Хитойнинг Шанхай, АҚШнинг Чикаго, Германиянинг Берлин, Малайзиянинг Куала-Лумпур, Япониянинг Токио, жами дунё мамлакатларининг 22 минорасининг макети ташриф буюрувчилар эътиборига ҳавола қилинади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, телеминорада ташкил қилинган музей Бутунжаҳон буюк миноралар жамиятига аъзо мамлакатлар ичида ягонадир. Айни пайтда ушбу минораларнинг металлдан қилинган макетлари ҳам музейда жойлаштирилган.

## НОЁБ ДУРДОНА

— Телеминорага кириш учун янгитдан барпо этилган жаҳон стандартларига жавоб берувчи мажмуанинг замонавий кўриниши ўзига хос ажойиб бир қиёфа касб этдики, буни мустақиллик меваси дейиш мумкин, — дейди Тошкент телеминораси директорининг биринчи ўринбосари Абдусаттор Маткаримов биз билан суҳбатда. — Бу ерда сайёҳлар учун юқори даражадаги барча қулайликлар яратилган. Тошкент телеминораси муҳим ва мураккаб, шунинг баробарида ҳамманинг диққат-эътиборида бўлган иншоот ҳисобланади. Марказда барча зарурий махсус кийим-кечаклар, асбоб-анжом ва ўқув қуроллари мавжуд бўлиб ходимлар ўртасида доимий равишда тушунтириш ишлари, ўқув йиғинлари тез-тез ташкиллаштириб турилади. Тошкент радиотелевизион узатиш марказида амалга оширилаётган ишларда бевосита Алоқа ва ахборотлаштириш қўмитасининг кўмаги ҳамда телеминорада меҳнат қилаётган ҳар бир ходимнинг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Қисқагина қилиб айтадиган бўлсак, телеминорамиз нафақат мамлакатимиз аҳли, балки чет эллик меҳмонлар учун ҳам мароқли ҳордиқ чиқарадиган пурвиқор маскандир. Ўтган йиллар давомида телеминорада катта ҳажмда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Биз шундай даргоҳда меҳнат қилаётганимиздан ва халқимизга озми-кўпми нафимиз тегаётганидан мамнунмиз.

Тошкент телеминораси ҳақида мақола тайёрлаш жараёнида телеминорага ташриф буюрган сайёҳлар фикри билан ҳам қизиқдик.

— Менинг мазкур телеминорага илк маротаба ташриф буюришим, — дейди Ўзбекистон Миллий университети талабаси Ҳумоюн Ҳасанов. — Мамлакатимизда осмон билан бўйлашган шундай улуғвор гўшанинг савлат тўкиб туришининг ўзи бир бахт. Айниқса 110 метр баландликда ўтириб атрофни томоша қилишнинг гашти бошқача бўларкан. Бу ерда ўз юртига бўлган меҳр туйғулари дилни қамраб олгандай туюлмоқда, шаҳар кафтдек кўриниб турибди. Мўъжизалар дунёсидек. Илгарироқ вақт топиб томоша қилмаганимга рости ҳайрон қолаяпман.

Тошкент телеминораси раҳбаридан тортиб, то оддий хизматчисигача ҳаммасининг кўнглида, кўзида зийраклик, тийраклик учқунлари порлаб туради. Ахир республикамиз кўрки ҳисобланган бу кошонада ишлаш учун катта масъулият, билим ва маҳорат талаб этилади.

Биз мақоламизда имкон қадар телеминора ҳақида батафсил маълумот беришга ҳаракат қилдик. Аммо, айтилмаган гаплар, изҳорини топмаган фикрлар ва кўпгина маълумотлар дилимизда қолиб кетди. Газетхонларни йил давомида қизиқарли маълумотлар ва янгиликлар билан таништириб боришга ҳаракат қиламиз. Агар сирли самога сайр қилишни истасангиз, телеминорага ташриф буюринг. Бундан сира афсусланмайсиз.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**
**Ислом Исмоилов**
**олган сурат**

Тиббиёт

# ИНСТИТУТДА ЯНГИ МАРКАЗ

***Тошкентдаги Терапия ва тиббий реабилитация илмий-текшириш институти фаолияти кенгайиб унинг негизида яқинда яна бир марказ иш бошлади. У терапевтика соҳаси доирасидаги ислоҳотларни тарғиб қилиш билан шуғуллана бошлади.***

«Замонавий гастроэнтерология энциклопедияси исботларга асосланган гастроэнтерология» мавзуидаги республика анжумани ҳам янги марказ томонидан уюштирилди. Юқори текширувларни йўлга қўйишга бағишланган илмий тўплам ҳам босмага тайёрланди.

# ТРАВМАТОЛОГ-ОРТОПЕДЛАР ИЗЛАНИШДА

***Республика травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтида тажрибали травматолог-ортопедлар ҳам фаолият кўрсатмоқдалар. Даволашнинг янги механизмларини амалиётга татбиқ этишда бу шифокорларнинг изланишлари қўл келди.***

Оғир турдаги мураккаб операцияларни амалга оширишда ҳамкорлик доирасидаги тиббий жараёнлар ҳам ўз самарасини бераётир. Бундай тадбирлар ёш мутахассисларнинг билим савияси ва тажрибасини бойитишда асос бўлиб хизмат қилмоқда.

# РЕНТГЕНОЛОГИЯ РИВОЖ ТОПМОҚДА

***Ортопедиянинг интерцептив йўналишлари муолажалар олиб боришда қўл келмоқда. Бу жараёнда рентгенология, ташхислаш ва даволаш усуллари ҳам қўлланилмоқда.***

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида уюштирилган республика анжуманида ортопедиянинг долзарб масалалари муҳокама этилди ҳамда янги изланишлар режалаштирилди.

**Акбар АЛИЕВ**

Кўргазмалар

# ВАТАНПАРВАРЛИК МАВЗУСИГА БАҒИШЛАНДИ

***Ўзбекистон Бадиий академиясининг Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан армия ва халқ бирлиги, Қуролли Кучларда амалга оширилаётган ислоҳотларга бағишланган ватанпарварлик мавзусидаги ижодий ишлардан намуналар қўйилган кўргазма очилди.***

Мазкур кўргазмада фотолавҳалар, санъатнинг турли шакл ва йўналишларида яратилган халқ амалий санъати, акварелда чизилган рангтасвир асарларни кўриш мумкин.

Масалан, кўргазмада мухлислар Қуролли Кучларнинг тиббиёт хизмати фахрийси Ғайбулла Алиевнинг тошларга ишланган рангтасвир асарлари билан танишишлари мумкин.

Экспозицияга қўйилган ижод намуналарида Ватанимиз хавфсизлиги, барқарорлиги, чегаралари дахлсизлигини таъминловчи, тактик ва стратегик вазифаларни муваффақиятли ҳал қила оладиган замонавий армиямизнинг бугунги куни, ҳарбийларимизнинг профессионал, маънавий, жисмоний тайёргарлиги акс этган асарларни кўрамиз.

Шуни айтиш керакки, Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб, Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётганлар, уларнинг оила аъзолари, ўқув юртлари ўқувчиларининг, талабаларининг ватанпарварлик мавзусидаги ижодий ишлари танловининг ўтказилиши анъанага айланган.

Тадбирда ўз ижодий ишлари билан қатнашиб танловда совринли ўринларни эгаллаганларга дипломлар, фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар топширилди.

# ТУРФА ОЛАМ МАНЗАРАЛАРИ

***Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида «Турфа олам» кўргазмасининг очилиши, унда қўйилган асарлар мухлисларнинг Ўзбекистон рассомларининг узоқ ва яқин хорижий мамлакатларда бўлиши натижасида замонавий оламнинг турфа маконларига бағишлаб яратган ижодий ишларидан баҳраманд бўлишларига имкон яратди.***



Мазкур кўргазмага ўзбек рассомлари бир неча авлоди вакилларининг — турли жанр ва йўналишларда ишлайдиган ёш ижодкорлардан тортиб то машҳур рассомларгача асарлари қўйилган. Кўргазмадан Ўзбекистон Бадиий академиясининг академиклари Алишер Мирзаев, Акмал Икромжонов, Марат Содиқов асарлари ҳам ўрин олган.

Экспозицияга қўйилган асарларда Италия, Греция, Россия, АҚШ, Жанубий Корея, Франция, Хитой, Украина, Туркиянинг шаҳар ва қишлоқлари, табиат манзаралари, турли касб эгаларининг портретлари, этник маданияти, менталитети, умуминсоний қадриятларини кўрамиз. Уларда кишиларнинг ички дунёси, миллий характерлар тасвирланган.

Галереяга келган ихлосмандни доимий кўргазма ҳам эътиборини тортади. Ундаги экспонатларда рассомларнинг турли йилларда яратган юртимизнинг гўзал табиат манзаралари, ижтимоий-маданий ҳаётимизнинг турфа қирралари, маданиятимиз арбоблари, меҳнат аҳли вакиллари акс этган сиймоларни кўрамиз.

Кўргазмага қўйилган асарлар орқали томошабин ўзига таниш инсонларни, табиий манзараларни, машҳур устоз рассомлар яратган мактабни, унинг анъаналари давомийлигини, тасвирий санъатимиз ривожи, ижодкорнинг фуқаролик позициясини, профессионал маҳоратини кўради. Томошабинда асарларни солиштириш имконияти бўлади.

Галереяга қўйилган XX асрнинг турли йилларда яратилган миллий қадриятларимизни эслатиб турувчи, ҳозирги вақтда кўплари тарихга айланиб қолган эски маҳаллалар, шаҳар ва қишлоқларнинг илгариги кўчалари, турар жойлар, ҳовлилар томошабинни бефарқ қолдирмайди. Улар бизга ҳаётимизда, маданиятимиз, санъатимизда юз бераётган тараққиёт сари ўзгаришларни кўрсатиб турибди.

Кўргазма жорий йилнинг 21 январигача давом этади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

***Ўзбекистон шарқшунослиги ўзининг бой тарихига эга. Кенг кўламли тадқиқотлар натижасида илмий шарқшунослик фани юзага келди. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти олимлари томонидан олиб борилган изланишлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.***

# ШАРҚШУНОСЛИК ҚЎЛЁЗМАЛАРИ КАТАЛОГЛАРИ

— Институт қўлёзмалар хазинасида 80 мингга яқин алоҳида асарларни ўзига жамлаган 25 мингдан ортиқ IX-XX аср бошига оид қўлёзмалар мавжуд. Шу қўлёзма манбаларни тадқиқ этиш натижасида бизда ҳам жаҳон шарқшунослигининг устувор йўналишларидан бўлган қўлёзмаларни каталоглаштириш ривож топди, — дейди таниқли шарқшунос олим профессор Р.Баҳодиров. — XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб Шарқ қўлёзмалари каталогларининг рус тилида аввал бир томлиги, сўнгра мавзулар бўйича каталоглар нашр қилинди. Хорижий шарқшунослик илмий марказлари билан ҳамкорликда бу каталоглар асарлар битилган тиллар бўйича ҳам чоп этилди. Яна Форобий, Ибн Сино, Деҳлавий, А.Навоий, Жомий каби буюк сиймолар асарлари қўлёзмалари каталоглари ҳам тузилдики, булар соҳа мутахассислари учун катта қулайликлар яратди. Хорижий мутахассисларнинг илтимосига кўра, қўлёзмалар тўпламининг 11 жилди Тошкент Давлат шарқшунослик институти томонидан араб тилига таржима қилиб босилди. Қўлёзмаларни каталоглаштириш ишлари Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида давом эттирилмоқда. Қўлёзмаларни каталоглаштириш ишлари баробарида шу даврда турли мавзуларга оид ўрта аср ёзма манбаларини илмий-изоҳли таржима ва тадқиқ қилиш, уларнинг танқидий матнларини нашр этишга ҳам катта эътибор берилялти.

**Анвар ВАЛИЕВ**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

*Саноат корхонаси «Корхона бош энергетигининг биринчи ўринбосари» лавозимига*
*ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:*
*Даъвогарга қўйиладиган талаблар: соҳа бўйича олий маълумот, муҳандис-техник ва раҳбарлик лавозимларида ишлаш бўйича — камида 5 йиллик тажрибага эга бўлиши, хавфсизлик бўйича рухсат берилган гуруҳи — бешинчидан паст бўлмаслиги керак. Иш ҳақи — суҳбатлашиш якуни бўйича белгиланади. Лавозим бўйича кўтарилиш истиқболлари мавжуд.*
**Шунингдек, корхонага юқори малакали электриклар ва КИПиА созловчилари ишга қабул қилинади.**
*Корхона хизмат транспорти, бепул овқат билан таъминлайди.*
*Иш ҳақи ўз вақтида тўланади. Чимёнда болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.*
*Мулоқот учун телефонлар:*
*241-10-81, 929-55-97.*

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

«Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва оптималлаштириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбир режасига мувофиқ жорий йилнинг январь ойида Янгиобод телефон боғламаси 291/293 - ЭАТС ҳудудидаги Сарикўл 3-тор кўчасига ўрнатилган MSAN қурилмасининг ишга тушиши муносабати билан қуйидаги:

Сарикўл 3-тор кўчаси
Темирйўлчилар кўчаси
Чамбил кўчаси
Чавандоз кўчаси
Оқ йўл кўчаси
Темирйўлчилар 1-тор кўчаси
Амиробод кўчаси
Қизиларват кўчаси
Сарикўл кўчаси
Г.Алиев кўчаси

ва уларга туташ тор, берк ва муюлиш кўчаларида истиқомат қилувчи аҳоли телефон рақамларининг ўзгариши ҳамда қисқа алоқа узилиши мумкин бўлган ҳолатларда ушбу ноқулайликлар учун олдиндан узр сўраймиз.

**Мурожаат учун телефон: 291-21-70.**

***Пойтахтимиз деҳқон бозорларида анъанавий қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг савдо ярмаркалари давом этмоқда.***

Жумладан, «Бешёғоч» деҳқон бозорида Жиззах вилояти, «Авиасозлар» деҳқон бозорида Наманган вилояти, «Қорақамиш» деҳқон бозорида Бухоро вилояти, «Наврўз» деҳқон бозорида Хоразм, «Қўйлиқ» деҳқон бозорида Тошкент вилояти миришкорлари ўзлари етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харидорларга тақдим этмоқда. Савдо ярмарка иштирокчилари ҳамда харидорлар учун қулайликлар яратиш мақсадида Тошкент шаҳридаги бозорлар ва уларнинг филиалларида энг қулай расталардан махсус жойлар ажратилган.

«Тошбозортайёрловсавдо» уюшмасидан маълум қилишларича, Тошкент шаҳридаги ўндан зиёд катта-кичик бозор шаҳар аҳли ва пойтахт меҳмонларига хизмат кўрсатмоқда. Уларда ташкил этилган ярмаркалар шаҳарликлар дастурхонини безаши билан бирга, бозорлардаги нарх-навонинг сунъий равишда ошиб кетишининг олдини олмоқда.

Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларини шаҳарга арзон нархда келтириш, сотувчию харидорларга кенг қулайлик яратиш мақсадида ҳар бир деҳқон бозори ҳудудида савдо ярмаркалари ташкил этилди. Натижада қиш фасли бўлишига қарамай, бозорларимизда гўшт, тухум, гуруч, мош, картошка, сабзи, пиёз каби асосий истеъмол маҳсулотларининг нархи барқарор сақланмоқда.

Самарқанд вилояти деҳқонлари Яккасарой ва Ҳамза туманларидаги бозорларда ўз маҳсулотларини харидорларга тақдим этаётир. Савдога қўйилган хилма-хил маҳсулотларнинг сифати юқори, нархи эса анча арзон.

— Миришкорларимизнинг шаҳар аҳолиси учун ўзига хос совға ҳозирлаши анъанага айланган, — дейди Самарқанд вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Мурод Умиров. — Бу борадаги эътибор туфайли жорий йилда ҳам бундай ярмаркалар давом эттирилмоқда. Кунига 25-30 тоннага яқин қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари белгиланган жадвал асосида ярмаркага етказиб берилмоқда. Ҳозирга қадар 140 тоннадан зиёд картошка, 100 тонна пиёз, 250 тонна сабзавот, қарийб 200 тонна мева ва полиз маҳсулотлари сотилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ярмаркасида фермерлар ўз маҳсулотлари билан фаол иштирок этмоқда.

— Йилдан йилга деҳқончиликда барака ортмоқда: мўл ҳосил етиштириб, яхши даромад олаётирмиз, – дейди Пастдарғом туманидаги «Дилафрўз» фермер хўжалиги раҳбари Шерали Раҳмонов. – Ўтган йили 70 гектарда карам, шолғом, турп ва лавлаги етиштирдик. Картошка ва пиёздан ҳам яхши ҳосил олдик. Ярмаркага хўжалигимизда етиштирилган сабзи, пиёз, картошка ва олманинг энг сараларини олиб келдик. Кўриб турибсиз, харидор кўп, маҳсулотимиз сифатли, арзон. Савдо қилишимиз учун барча қулайликлар – тош-тарозидан тортиб, омборхонагача муҳайё қилинган.

Савдо ярмаркаларига келган барча маҳсулотлар бозор ҳудудидаги ветеринария-санитария экспертиза лабораторияси ходимлари томонидан текширувдан ўтказилиб, тегишли сертификат билан таъминлангач, сотувга чиқарилмоқда.

Яккасарой туманидаги «Бешёғоч» деҳқон бозорида фаолият юритаётган ана шундай ярмаркада Жиззах вилояти миришкорлари ўз маҳсулотларини харидорларга тақдим этаётир. Савдога қўйилган хилма-хил маҳсулотларнинг сифати юқори, нархи эса анча арзон.

– Вилоятимиз фермерлари пойтахтимиздаги иккита бозорга ҳар куни ўнлаб тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотларини пешма-пеш етказиб бермоқда, – дейди Жиззах вилояти ҳокимлиги вакили Бердиёр Холматов. – Пойтахтимиздаги мазкур ярмаркаларда ҳозирга қадар 10 тонна гўшт, 200 тоннадан зиёд картошка, пиёз, сабзавот, мева ва полиз маҳсулотлари сотилди.

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЯРМАРКАЛАРИ



– Юртимизда фермерларга яратилаётган имтиёзлар боис, хўжаликларнинг самарадорлиги ортмоқда, – дейди Бахмал туманидаги Пушкент сувдан фойдаланувчилар уюшмаси раиси Абдуғафур Избосаров. – Ҳудудимизда йигирмадан зиёд фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда. Уларнинг асосий қисми боғдорчиликка ихтисослашган бўлиб, 170 гектар боғ барпо этилган. Улар пойтахтимиз аҳолисининг дастурхони тўкинлигида ўз улушларини қўшиш мақсадида ярмаркага қарийб уч тонна турли-туман олма етказиб беришди.

Анъанавий савдо ярмаркалари харидорларга ҳам маъқул бўлаётир.

— Сифатли маҳсулотни деҳқоннинг ўзидан сотиб олганга нима етсин, – дейди харидор Моҳигул Раҳмонова. – Ҳозиргина ўттиз дона тухум ва товуқ гўшти харид қилдим. Энди эса мевалар сотиб олмоқчиман. Маҳсулотлар сифатли, нархи эса кўриб турганингиздек, анча арзон. Буларнинг барчаси мамлакатимиздаги оилалар мустаҳкамлигига, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигининг янада зиёда бўлишига хизмат қилади.

— Бундай ярмаркалардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари олишни хуш кўрганим туфайли бир йўла қишга етадиган пиёз ва картошка харид қилдим, – дейди харидор Малика Ҳақбердиева. – Бозорларимиздаги нархлар ҳам қиммат эмас. Бироқ, маҳсулотни деҳқоннинг ўзидан сотиб олганга нима етсин.

Айни вақтда пойтахтимиздаги гавжум бозорлардан бири «Бешёғоч»да соғлом рақобатни ривожлантириш орқали аҳолига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини узлуксиз, нисбатан арзон нархларда етказиб бериш ҳамда банк пластик карточкалари орқали савдони йўлга қўйиш мақсадида «Элга хизмат» шўъба корхонаси фаолият юритмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 августда қабул қилинган пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирларига оид қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлаётир.

Банк пластик карточкалари орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилаётгани харидорларга ҳар жиҳатдан маъқул бўлаётир.

– Харидор бозордан арзон ва сифатли маҳсулот харид қилишни хоҳлайди, – дейди «Элга хизмат» корхонаси менежери Маъмур Алимов. – Шу жиҳатдан «Элга хизмат» корхонасининг савдоси қисқа вақт ичида кўпчиликнинг ишончини қозонди. Айниқса, тўловни терминал орқали ҳам амалга ошириш мумкинлиги барчага манзур бўлаётир. Шу боис 1,5 тонна картошка, 500 килограмм пиёз, 300 килограмм сабзи каби маҳсулотлар сотилиб, кунига қарийб 5 миллион сўмлик савдо қилинаётган бўлса, унинг қарийб 70 фоизи терминаллар орқали қабул қилинмоқда.

**Зиёда ВОҲИДОВА**



Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат

**Болалар спорти**

## ҚИШКИ ТАЪТИЛ МУСОБАҚАЛАРИ

***Пойтахтимизда 5 -9-синф ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» мусобақасининг туман босқичлари давом этмоқда.***

Мусобақа Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан ўқувчи-ёшларнинг таътил кунларини мазмунли ташкил этиш, «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасида қатнашадиган пойтахт жамоаси таркибини шакллантириш мақсадида ўтказилмоқда. Унда ўғил-қизлар спортнинг 12 тури бўйича иштирок этаётир.

Мирзо Улуғбек туманидаги «Югнакий» болалар спорт мажмуасида ўтказилган ана шундай мусобақалардан бирида туман умумтаълим мактаблари ўқувчилари стол тенниси бўйича куч синашди. Баҳсда 208-умумтаълим мактаби ўқувчилари Дониёр Маҳкамов, Марсел Шайхуддинов, Розалина Ҳожиева ва 171-мактаб ўқувчиси Анастасия Юнош ғолиб чиқди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**

**Спорт янгиликлари**

## САРАЛАШ БЕЛЛАШУВЛАРИ БОШЛАНАДИ

***Янги 2013 йилда футбол мухлисларини халқаро миқёсдаги кўпгина ажойиб учрашувлар кутиб турибди.***

Маълумки, 2015 йилда Австралияда футбол бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бўлиб ўтади. Ушбу нуфузли турнирда муваффақият қозонишга аҳд қилган Миржалол Қосимов шогирдлари саралаш турнири гуруҳ баҳсларида омадларини синаб кўришади.

Осиё чемпионатига саралаш турнири гуруҳ беллашувлари жорий йилнинг 6 февралидан бошланади. Дастлабки баҳсда Ўзбекистон миллий терма жамоаси Гонконг футболчилари билан Тошкентдаги «Пахтакор» марказий стадионида куч синашади. Ушбу баҳсни баҳрайнлик ФИФА рефериси Али Ҳасан Иброҳим бош ҳакам сифатида бошқаради.

***2014 йилда Бразилияда футбол бўйича уюштириладиган жаҳон чемпионатига саралаш турнири тўртинчи босқич гуруҳ баҳсларида муваффақиятли иштирок этиб турнир жадвалида пешқадамлик қилаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси жорий йилда мундиал йўлланмаси учун курашни давом эттиради.***

## ЎРТОҚЛИК БАҲСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Маълумки, жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг тўртинчи босқич гуруҳ баҳслари 26 мартдан бошланади. Миржалол Қосимов шогирдлари жорий йилда Тошкентда ливанлик, қатарлик чарм тўп усталари билан куч синашишса, Жанубий Корея терма жамоаси билан Сеулда орани очиқ қилишлари талаб этилади. Жанубий Корея терма жамоасига қарши саралаш учрашуви 11 июнда уюштирилади. Ушбу баҳсга жиддий тайёргарлик кўриш мақсадида Ўзбекистон миллий терма жамоаси 6 июнда Хитой терма жамоаси билан назорат-ўртоқлик учрашувида куч синашади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Ўз аҳволини тўғри баҳололмаган киши бошқаларни қандай тушунсин.**

* * *

**Муҳаббат билан нафратнинг ораси бир қадам.**

* * *

**Одам боласи аслида ўзига ўзи қилади-ю, бошқаларни айблайди.**

* * *

**Нодон ҳазилни тушунмайди.**

* * *

**Ҳазилни қанчалик тушуниш-тушунмаслигига қараб ҳам кишининг қанчалик доно ёки нодонлигини билса бўлади.**

* * *

**Сўз ва иш бирлигига эришиш осон эмас.**

* * *

**Юришмаса иш,**
**Кўпаяр ташвиш.**

* * *

**Инсон умид билан тирик.**

* * *

**Аёл шаъни муқаддас.**

* * *

**Яхшига яқинлашган, ёмондан узоқлашган яхши.**

* * *

**Кўнгил қолиши учун бир оғиз ножўя сўз кифоя.**

* * *

**Аламингни ол ишдан,**
**Бўйин эгма ташвишга.**

* * *

**Зимдан ёмонлик қилувчилар кўп, афсуски, биз уларни кўпинча пайқамаймиз.**

* * *

**Баъзилар ҳар икки-уч яхшилиги орасига бир ёмонлигини тиқиб юборади – яхшиликларига алданиб, бу қилиғини пайқамаймиз, очиғи, бу хаёлимизга ҳам келмайди.**

* * *

**Ҳаёт одамларни бир-бирига турли ришталар билан боғлаб ташлаган.**

* * *

**Яхши хабарни етказишга шошил,**
**Ёмон хабарни бошқалар айтсин.**

* * *

**Чўзилган иш кўпинча қолиб кетади.**

* * *

**Баъзи меҳрибончиликлар ғайирлик пардасига ўралган бўлади.**

* * *

**Мусибат кўнгилларни юмшатади.**

* * *

**Оқилона тақсимласанг, вақтинг ҳамма нарсага етади.**

**(Давоми бор)**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **11 январь** куни ҳаво ўзгариб туради, куннинг иккинчи ярмида ёмғир ёғади. Шарқдан ғарбга томон секундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундига 12-15 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 0 даража атрофида, кундузи — 10-12 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **11 январда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар!**

*«Махсустранс» ишлаб чиқариш бошқармасида бугунги кунда 22 дона «MAN» русумли 15 $м^3$ ҳажмли юк ташувчи (самосвал) автотранспорт воситалари мавжуд.*

*Ушбу автотранспорт воситалари Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилояти ҳудудида барча турдаги юк ташиш бўйича хизматларни кўрсатади.*

*Нархлар келишилган ҳолда.*

*Маълумот учун телефонлар:*
*250-54-17, 247-97-53, 126-50-55, 503-13-31*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 141
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12967 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 15.00
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5